РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.08.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

«АКАДЕМИК В. ВОХИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ» ДМ

АБДУЛЛАЕВА МОХИМА АБДУЛЛАЕВНА

ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН АЁЛЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШ СТРАТЕГИЯСИ КОНЦЕПТУАЛ АСПЕКТЛАРИ

14.00.34 - Юрак – қон томир хирургияси
14.00.33 - Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

УЎК: 616.12-005.4-089:001.8-055.2

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Абдуллаева Мохима Абдуллаевна
Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган аёлларни ташхислаш ва хирургик даволаш стратегияси концептуал аспектлари 3

Абдуллаева Мохима Абдуллаевна
Концептуальные аспекты диагностики и стратегии хирургического лечения женщин с ишемической болезнью сердца 31

Abdullaeva Mokhima Abdullaevna
Conceptual aspects of diagnosis and surgical treatment strategies for women with ischemic heart disease ……..……..…….. 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..……. 66

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.08.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

«АКАДЕМИК В. ВОХИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ» ДМ

АБДУЛЛАЕВА МОХИМА АБДУЛЛАЕВНА

ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН АЁЛЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШ СТРАТЕГИЯСИ КОНЦЕПТУАЛ АСПЕКТЛАРИ

14.00.34 - Юрак – қон томир хирургияси
14.00.33 - Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2025.1.DSc/Tib1272 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация «Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.rscs.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:	**Исмаилов Сайдимурад Ибрагимович** тиббиёт фанлари доктори, профессор **Зуфаров Миржамол Мирумарович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Алиев Шерзод Махмудович** тиббиёт фанлари доктори, профессор **Умаров Бахтиёржон Ятгарович** тиббиёт фанлари доктори **Искандарова Шахноза Тулкуновна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**«А.В. Вишневский номидаги Миллий тиббий хирургия тадқиқот маркази» ФДБМ Россия Федерацияси**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирлган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент ш, Кичик халка йули кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: info@rscs.uz).

Диссертация билан Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирлган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (223 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2026 йил «____» _____ да тарқатилди.
(2026 йил «____» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров
Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

С.А Бабаджанов
Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

О.Д. Эшонходжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда аёллардаги юрак ишемик касаллиги халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотларида замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири сифатида тобора қизиқиш уйғотмоқда. Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) бутун дунё бўйича «...аёллар ўлимининг асосий сабабчиси бўлиб, умумий ўлим ҳолатларининг 35%ини ташкил қилади». ЮИК билан хасталанган аёллар орасида хасталикнинг тарқалиши, ўлим ҳамда DALY («disability-adjusted life years» - ногиронликда кечган ҳаёт йиллари) каби ҳаёт сифатини баҳолашнинг йиғма кўрсаткичлари Ўзбекистон, Украина, Тожикистон ва Океан ролларида энг юқори, Япония, Корея Республикаси ва Францияда эса энг паст даражани ташкил қилади[1]. ЮИКни аёллар ўртасида тарқалиши кўплаб сабабларга боғлиқ бўлиб, яъни касаллик кечишига салбий таъсир кўрсатадиган: ёш, ирқ, генетик омиллар, этник хусусиятлар, маданият, ижтимоий мансублик, турмуш тарзи ва атроф-муҳитнинг таъсири каби хавфли омиллар таъсирини ўз ичига олади. Аёллар ёши ҳамда коморбид ҳолатларининг борлиги ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар, эндоваскуляр ва жарроҳлик амалиётларидан кейин эркакларга нисбатан кўпроқ асоратларга дучор бўладилар. Жараённинг мураккаблиги шундан иборатки, аёл организмида ҳаётининг турли даврларида жинсий тизимнинг ва гормонал ҳолатнинг қайта ўзгариб туриши, шу билан биргаликда ўрин босувчи гормонал терапияни қабул қилиши ёки гормонал контрацепциялардан фойдаланиши юрак-қон томир асоратлари ёки юрак етишмовчилиги ривожланишини авж олиш хавфини бевосита оширади.

Жаҳон амалиётида аёлларда юрак ишемик касаллигини клиник-диагностик асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ЮИК аёлларда коморбидлик, юрак тож артерияларини кўп томирли шикастланиши билан кечиши бўйича рандомизацияланган кўп марказли проспектив изланишлар, шунингдек миокард реваскуляризацияси стратегияларини оптималлаштириш ва операция хавфини минималлаштириш мақсадида эндоваскуляр ёки жарроҳлик амалиётларига кўрсатмаларни ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотлар, ҳамда касалланиш даражаси, ирқий ва этник тафовутларни аниқлаш учун популяцион скринингни ўз ичига олган эпидемиологик кузатувлар энг долзарб тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда кардиохирургия ривожланишининг замонавий жиҳатлари юқори технологияли хирургик амалиётлар имкониятларини кенгайтириш ва замонавий тамойилларни жорий этиш ҳисобига юрак қон томир профилидаги беморлар ҳамда улар билан боғлиқ шошилинч ҳолатларда даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар, «2030-

[1] Roth GA et al.; GBD-NHLBI-JACC Global Burden of Cardiovascular Diseases Writing Group. Global Burden of Cardiovascular Diseases and Risk Factors, 1990-2019: Update From the GBD 2019 Study. J Am Coll Cardiol. 2020 Dec 22;76(25):2982-3021. doi: 10.1016/j.jacc.2020.11.010. Khandelwal A.. et al. Managing Ischemic Heart Disease in Women: Role of a Women's Heart Center. Curr Atheroscler Rep 23, 56 (2021). https://doi.org/10.1007/s11883-021-00956-x. Vogel B. et al The Lancet women and cardiovascular disease Commission: reducing the global burden by 2030. Lancet. 2021;397(10292):2385-2438. doi: 10.1016/S0140-6736(21)00684-X.

йилгача Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясида мамлакат тараққиётининг мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора тадбирлари» бўйича аҳолининг ўртача умр давомийлигини ошириш ва юрак қон томир касалликларидан юз берадиган эрта ўлимни (30-69 ёш) камайтириш вазифа қилиб белгиланган» [2]. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, аёлларда юрак ишемик касаллигини ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш, шунингдек, хирургик даволаш доктринасини жорий этиш мазкур муаммонинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти туфайли кардиология, юрак-қон томир хирургияси, умуман тиббиёт соҳасининг энг долзарб йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сонли «Ҳудудларда хирургия хизматини трансформация қилиш, хирургик операциялар сифати ва кўламини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сонли «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2026 йил 20 январдаги ПҚ-20-сонли «Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг профилактикасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасалари, халқаро кардиологик ва кардиохирургик жамиятлари, ҳамда ташкилотларида олиб борилмоқда, жумладан АҚШдаги Cedars-Sinai Medical Center (Smidt Heart Institute, Barbra Streisand Women’s Heart Center, Лос-Анжелес), University of Florida (Гейнсвилл), University of Pittsburgh, Allegheny General Hospital (Питтсбург), шунингдек, Weill Cornell Medicine, NewYork-Presbyterian Hospital, Icahn School of Medicine at Mount Sinai ва Northwestern University Feinberg School of Medicine каби марказларда аёлларда юрак ишемик

[2] Указ Президента РУз от 16.02.2026г. № УП-21 «О дополнительных мерах по последовательному продолжению и выведению на новый этап реформ в рамках приоритетных направлений развития страны до 2030 года». Указ Президента РУз от 11.09.2023г. № УП-158 «О стратегии «Узбекистан-2030» Сборник законодательных актов.

касаллигининг клиник, коронар-микроваскуляр ва реваскуляризацияга оид жиҳатлари ўрганилмоқда. Айниқса, NHLBI томонидан қўллаб-қувватланган Women's Ischemia Syndrome Evaluation (WISE) ва WISE-CVD тадқиқотлари доирасида Cedars-Sinai Medical Center, University of Florida ва University of Pittsburgh марказларида аёлларда обструктив коронар артерия касаллиги бўлмаган ҳолатларда коронар микротомирлар ва эндотелиал функцияни баҳолаш бўйича фундаментал ва клиник тадқиқотлар амалга оширилган. Европада мазкур йўналишда Европа кардиоторакал хирурглар ассоциацияси (EACTS), Европа кардиологлар жамияти (ESC), Европа юрак-қон томир перкутан интервенцион ассоциацияси (EAPCI), Қон томир хирургияси жамияти (SVS), Торакал хирурглар жамияти (STS) ва бошқалар шуғулланмоқда. Бугунги кунда юрак ишемик касаллиги бўйича аниқ мезонлар ва тавсиялар (Appropriate Use Criteria for Coronary Revascularization in Patients With Stable Ischemic Heart Disease) белгиланган бўлиб, 2017 йилда ACC/AHA/SCAI томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Америка кардиологлар ассоцияцияси ишчи гуруҳи, Америка Торакал хирургия ассоциацияси (AATS), Америка Юрак ассоциацияси (AHA), Америка Эхокардиография жамияти (ASE), Америка Ядровий кардиология жамияти (ASNC), Кардиоваскуляр ангиографияси ва интервенцион жамияти (SCAI), Кардиоваскуляр компьютер томографияси жамияти (SCCT) ҳамда Торакал хирурглар жамияти (STS) томонидан тан олинган ва тасдиқланган[3].

Аёлларда юрак ишемик касаллигини хирургик даволаш муаммоларига яъни коронар шунтлашнинг оптимал стратегияларини аниқлашга бағишланган ROMA: Women (Randomized Comparison of the Clinical Outcome of Single vs Multiple Arterial Grafts: Women) тадқиқотида халқаро Careggi University Hospital, European Hospital, Università Cattolica del Sacro Cuore, Maastricht University Medical Centre, Leiden University Medical Center, Erasmus Medical Center каби клиник марказлар иштирокида аёлларда бир артериал шунтлаш билан кўп артериал шунтлашнинг клиник натижалар ва ҳаёт сифатига таъсири рандомизацияланган тарзда баҳоланмоқда. Weill Cornell Medicine, Mount Sinai кардиология ҳамда кардиохирургия марказларида RECHARGE (Revascularization Choices Among Under-Represented Groups Evaluation) – тадқиқоти доирасида аёлларда перкутан коронар интервенция ва коронар артерияларни шунтлаш операциясининг самарадорлиги, яшовчанлик ва ҳаёт сифатига таъсири таққосланмоқда. Шунингдек, юрак-қон томир хирургияси соҳасида А.Н. Бакулев номидаги Миллий юрак-қон томир хирургияси тиббий илмий маркази (Москва, Россия), Академик Б.В. Петровский номидаги Россия илмий хирургия маркази ФДБМ (Москва, Россия), В.А. Алмазов номидаги Миллий тиббиёт тадқиқот маркази ФДБМ

[3] Patel MR et al. ACC/AATS/AHA/ASE/ASNC/SCAI/SCCT/STS 2017 Appropriate Use Criteria for Coronary Revascularization in Patients With Stable Ischemic Heart Disease: A Report of the American College of Cardiology Appropriate Use Criteria Task Force, American Association for Thoracic Surgery, American Heart Association, American Society of Echocardiography, American Society of Nuclear Cardiology, Society for Cardiovascular Angiography and Interventions, Society of Cardiovascular Computed Tomography, and Society of Thoracic Surgeons. J Am Coll Cardiol. 2017 May 2;69(17):2212-2241. doi: 10.1016/j.jacc.2017.02.001. Epub 2017 Mar 10. Erratum in: J Am Coll Cardiol. 2018 May 15;71(19):2279-2280. doi: 10.1016/j.jacc.2018.03.453.

(Санкт-Петербург, Россия), Академик Е.Н. Мешалкин номидаги миллий тиббиёт тадқиқот маркази ФДБМ (Новосибирск, Россия), РФССВ И. Пирогов номидаги миллий тиббий-хирургик марказ (Москва, Россия), Миллий кардиохирургия илмий маркази (Остона, Қозоғистон Республикаси) ҳамда «Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМда (Тошкент, Ўзбекистон) кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган марказларда перкутан коронар интервенцияга кўрсатмаларни аниқлаш, коронар артерияларнинг анатомик ва функционал хусусиятларини инобатга олган ҳолда реваскуляризация стратегиясини танлаш, шунингдек, обструктив бўлмаган коронар артериялар ишемиясида (INOCA/ANOCA) инвазив физиологик текширувлар асосида индивидуал даволаш тактикасини белгилаш, коронар артерияларни шунтлашнинг узоқ муддатли самарадорлиги, операциядан кейинги юрак-қон томир асоратлари ва қайта реваскуляризация хавфини камайтириш, шунингдек, артериал ва веноз шунтлардан фойдаланишнинг мақбул нисбатини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кардиология ва кардиохирургия соҳасининг жадал ривожланишига қарамай, ҳал этилмаган бир қатор масалалар мавжуд бўлиб, айниқса юрак ишемик касаллигини аёлларда даволаш бўйича ягона қарор шаклланмаган. Хусусан, ҳам реваскуляризация усулларидан, ҳам тегишли медикаментоз даволашдан оптимал етарли даражада оқилона фойдаланмаслик долзарб муаммо бўлиб қолмоқда [4].

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларида юрак ишемик касаллигини кечиши, ташхислаш ва даволаш муаммоси кенг қамровда ўрганилмоқда. 2024 йил Европа кардиологлар жамиятининг сурункали коронар синдромларни олиб бориш бўйича клиник қўлланмаси Европа кардиоторакал хирурглар ассоциацияси (EACTS) томонидан тан олинган. INTERHEART-Study (2004 йил) доирасида ўткир миокард инфаркти бўйича барча аҳоли яшайдиган қитъаларни ифодаловчи дунёнинг 52 мамлакатини қамраб олган, йирик масштабли 14820 назорат ва 15152 нафар ҳолатдан таркиб топган «ҳолат - назорат» (case-control) тадқиқоти натижаларига кўра, миокард инфаркти билан боғлиқ популяцион атрибутив хавф эркакларда 90%, аёлларда эса 94% аниқланган. Шунингдек, аёлларда юрак ишемик касаллигининг дастлабки клиник намоён бўлиши эркакларга нисбатан тахминан 10 йил кечроқ, кўп ҳолатда менопаузадан кейин кузатилиши, шу билан бирга, аёллар орасида ўлим кўрсаткичини эркакларга нисбатан тезлик билан ошганлиги қайд этилган[5]. Юрак ишемик касаллигининг аёлларда ўзига хос клиник хусусиятлари ва ташхисот ёндашувлари бўйича комплекс илмий таҳлиллар (Mieres J.H. ва ҳаммуаллифлари, 2014), коронар артериялар касаллигининг ноанъанавий кўринишлари ва микроциркулятор

[4] Vogel B. et al. The Lancet women and cardiovascular disease Commission: reducing the global burden by 2030. Lancet. 2021 Jun 19;397(10292):2385-2438. doi: 10.1016/S0140-6736(21)00684-X.

[5] Yusuf S, Hawken S, Ounpuu S et al. INTERHEART Study Investigators. Effect of potentially modifiable risk factors associated with myocardial infarction in 52 countries (the INTERHEART study): case-control study. Lancet. 2004 Sep 11-17;364(9438):937-52. doi: 10.1016/S0140-6736(04)17018-9.

дисфункциянинг аҳамияти (Pepine C.J. ва ҳаммуаллифлари, 2015), юрак ишемик касаллигини ташхислашда ноинвазив усулларнинг самарадорлиги (Bairey Merz C.N. ва ҳаммуаллифлари, 2017), коронар артерияларнинг обструктив бўлмаган шикастланишларининг ўзига хос хусусиятлари (Gulati M. ва ҳаммуаллифлари, 2018), ятроген коронар диссекциянинг аёлларда учраш частотасини юқорилиги (Saw J. ва ҳаммуаллифлари, 2019), томир ичи ультратовуш текширувининг прогностик аҳамияти (Waksman R. ва ҳаммуаллифлари, 2021) исботланган. Shin J. ва Han K. (2022)нинг Korean National Health Insurance System (NHIS) регистридан фойдаланиб, юрак етишмовчилиги (ЮЕ) ва бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) ривожланиш хавфини ўрганишга бағишланган тадқиқотида менопауза анамнезида барвақт бошланган аёлларда ЮЕ ривожланиш хавфи 1,3 мартага, БФ эса 1,09 мартага юқори эканлиги аниқланган [6] . Euro Heart Survey тадқиқоти барқарор стенокардия билан касалланган беморлар ичида аёлларнинг атиги 42%и коронарографияга йўлланишини, тахминан 33%ида перкутан коронар интервенцияни (PCI) ҳар йили АҚШда ва атиги 20% аёлларда айрим Европа мамлакатларида бажарилганлигини қайд этган [7] . SMINC-2 (Stockholm Myocardial Infarction With Normal Coronaries-2) тадқиқоти натижаларига кўра, юрак тожсимон артериялари нообструктив шикастланиши мавжуд бўлган аёлларда ташхислашнинг эрта босқичларида 77% ҳолатда магнит-резонансли томография ёрдамида аниқ ташхис қўйилган ва миокард инфаркти визуал тасдиқланган [8]. Нашр этилган бир қатор тадқиқотлар натижалари коронар артериялар реваскуляризацияси самарадорлигида сезиларли гендер фарқлар мавжудлигини кўрсатган. Жумладан, эркак беморларда операциядан кейинги даврларда яшовчанлик кўрсаткичи (1, 5 йил ва 10 йилдан сўнг) аёлларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган, аммо айрим тадқиқотларда эса аёлларда ножўя асоратлар (миокард инфаркти, инсульт, стент тромбози, рестеноз ривожланиши, қон томирга кириш жойидаги асоратлар (псевдоаневризма, қон кетиши)) кўпроқ учраши таъкидланган[9]. Gaudino M. ва Chadow D. (2023) томонидан ўтказилган алоҳида йирик тадқиқотлар бўйича 1,2 миллиондан ортиқ бемордан таркиб топган, ҳамда АҚШ Торакал хирурглар жамиятининг аортокоронар шунтлаш базаси маълумотларига асосланган мета-таҳлилда ҳам шунга ўхшаш натижалар олинган, яъни 2011-2020 йиллар давомида бажарилган аортокоронар шунтлаш операциясидан

[6] Shin J, Han K, Jung JH et al. Age at menopause and risk of heart failure and atrial fibrillation: a nationwide cohort study. Eur Heart J. 2022 Oct 21;43(40):4148-4157. doi: 10.1093/eurheartj/ehac364. PMID: 36239217.

[7] Shoaib A. et al. Is the diagnostic coding position of acute heart failure related to mortality? A report from the Euro Heart Failure Survey-1. Eur J Heart Fail. 2016 May;18(5):556-63. doi: 10.1002/ejhf.505.

[8] Sörensson P., Ekenbäck C. et al. Early comprehensive cardiovascular magnetic resonance imaging in patients with myocardial infarction with nonobstructive coronary arteries //JAAC Cardiovascular Imaging. – 2021. – Т. 14. – №. 9. – С. 1774-1783. Mileva N., Paolisso P., Diagnostic and Prognostic Role of Cardiac Magnetic Resonance in MINOCA: Systematic Review and Meta-Analysis// JACC Cardiovasc. Imaging - 2023 Mar;16 (3)-C. 376-389.

[9] Diercks DB et al. Gender differences in time to presentation for myocardial infarction before and after a national women's cardiovascular awareness campaign: a temporal analysis from the Can Rapid Risk Stratification of Unstable Angina Patients Suppress ADverse Outcomes with Early Implementation (CRUSADE) and the National Cardiovascular Data Registry Acute Coronary Treatment and Intervention Outcomes Network-Get with the Guidelines (NCDR ACTION Registry-GWTG). Am Heart J. 2010;160(1):80-87. e3. doi: 10.1016/j.ahj.2010.04.017.

кейинги эрта даврларда гендер тафовутлар камаймаганлиги қайд этилган[10]. Бироқ айрим илмий нашрларда келтирилган натижаларда кузатилган фарқларнинг сабаблари, эҳтимол, кўп омилли хусусиятга эга эканлиги таъкидланган[11].

Ўзбекистонда юрак ишемик касаллигини ташхислаш ва даволаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, Аляви А.Л. ва ҳаммуаллифлари томонидан ўткир коронар синдром билан оғриган беморларда чап қоринча миокард систолик динсфункциясини профилактика чоралари ишлаб чиқилган бўлса, Зуфаров М.М. ва ҳаммуаллифлари томонидан юрак ишемик касаллигини даволашда замонавий технологияларни қўллаш имкониятлари асослаб берилган. Шунингдек, Мамасолиев Н.С. докторлик диссертациясида юрак ишемик касаллигининг эпидемиологик хусусиятларини, коронар етишмовчилик ривожланишини олдиндан башорат қилиш модель ва мезонларини ишлаб чиққан.

Адабиётлардаги маълумотларга кўра, юрак ишемик касаллигини ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган устувор илмий тадқиқотлар билан мазкур муаммо тўлиқ ҳал этилмаган. Кенг кўламли амалга оширилган илмий изланишлар ва ишланмаларга қарамай, аёлларда ўлим кўрсаткичининг юқорилигини белгиловчи асосий сабаблар ҳанузгача ноаниқлигича қолмоқда. Юрак ишемик касаллиги билан оғриган, коронар артерияларнинг шикастланиши мавжуд бўлган аёлларда миокардни реваскуляризация қилиш стратегиясига бағишланган махсус проспектив тадқиқотлар мавжуд эмас. Шунингдек, мазкур йўналишда аёлларни клиник тадқиқотларга жалб этиш даражасининг етарли эмаслиги, диагностик ёндашувларнинг тарихан эркаклар популяциясига асосланганлиги ва аёлларда ишемик касалликнинг микроваскуляр, эндотелиал ҳамда бошқа жинсга хос механизмларини тўлиқ ҳисобга олмаслик муаммоси сақланиб қолмоқда. Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотларни амалга ошириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Олинадиган натижалар аёлларда юрак ишемик касаллиги кечишини репродуктив тизимнинг турли даврларидаги хусусиятларини аниқлаш, энг мақбул ташхислаш усулларини танлаш, миокардни хирургик ва эндоваскуляр реваскуляризация қилишнинг турли вариантларини афзалликлари ҳамда камчиликларини баҳолаш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасининг илмий-тадқиқотлар иш режаси «Замонавий технологияларни қўллаган ҳолда оғир шаклдаги юрак-қон томир касалликлари билан оғриган

[10] Gaudino M, Chadow D, et al. Operative Outcomes of Women Undergoing Coronary Artery Bypass Surgery in the US, 2011 to 2020. JAMA Surgery, 2023. Mar 1. Vol. 158, No. 5. [PMC free article] [PubMed] [Google Scholar].

[11] King S Ida , Eskuri Anette M, Holmström T Lauri, et al. Risk factors for cardiac death in women with coronary artery disease. Eur. Heart J Open. 2026 Mar 10;6(2):oeag044. doi: 10.1093/ehjopen/oeag044.

беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишда персоналлаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш ва жорий этиш» А-СС-2021-110 лойиҳаси доирасида (2021-2024йй) давлат гранти асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларда хирургик даволашни танлаш нуқтаи назаридан оқибатларини прогнозлаш ва ташхислашда комплекс ёндашувни факторли таҳлил қилиш йўли билан миокард реваскуляризацияси натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларида аёллар юрак-қон томир патологияси бўйича умумий касалланиш ва интенсив кўрсаткич динамикасини ўрганиш;

юрак ишемик касаллигининг аёлларда клиник кечиш хусусиятларини репродуктив статусга боғлиқлигини ўрганиш;

метаболик синдромнинг (қандли диабет, семириш, дислипидемия, артериал гипертензия) аёлларда юрак ишемик касаллиги клиник кечишига таъсирини таҳлил қилиш;

юрак ишемик касаллиги билан хасталанган аёлларда ташқи нафас функцияси ва кислород етказиб бериш индекси кўрсаткичларини баҳолаш;

юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларнинг клиник ҳолатини миокард реваскуляризацияси усуллари (эндоваскуляр амалиёт ва аортокоронар шунтлаш) бўйича қиёсий таҳлил қилиш;

эндоваскуляр ва хирургик миокард реваскуляризациясида юракнинг чап бўлими ремоделланишини эхокардиография маълумотлари асосида қиёсий баҳолаш;

юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларда миокард реваскуляризацияси алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти «Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасининг интервенцион кардиология, аритмология ва эндоваскуляр хирургия ҳамда юрак ишемик касалликлари ва унинг асоратлари бўлимларида 2022-2024 йиллар давомида операция қилинган юрак ишемик касаллиги билан хасталанган 668 нафар аёлни даволаш натижаларидан ташкил топган.

Тадқиқотнинг предмети юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларда миокард реваскуляризациясидан кейин яқин ва узоқ муддатли даврларда ҳаёт сифатини баҳолаш ва яшовчанлик хавфли омилларини стратификация қилиш йўли билан хирургик даволаш натижаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллардан: умумий клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юрак - қон томир касалликлари динамикаси сўнгги 3 йил мобайнида Ўзбекистон Республикасида гендер фарқларга боғлиқ ҳолда ўрганилиб, мамлакатнинг турли ҳудудларида аёлларда юрак ишемик касаллиги билан

хасталанишнинг ўсиши ёки камайишининг барқарор тенденциялари аниқланган, шунингдек касалланиш динамикасига турли ижтимоий-иқтисодий ва тиббий омилларнинг таъсирини тадқиқ қилиш, соғлиқни сақлашни бошқариш учун мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимлиги исботланган;

аёлларда коронарография натижаларига кўра, коронар атеросклероз анатомик индексининг ўсиши, NT-proBNP миқдори бўйича стратификация қилишни ўткир коронар синдром ва юрак етишмовчилиги хавфини барвақт аниқлаши исботланган;

қандли диабетнинг аёлларда юрак ишемик касаллигини анатомик-функционал кўрсаткичларининг ва юрак етишмовчилигининг оғирлашиши, юқори SYNTAX score, кўп томирли жароҳатланиш частотасининг ошиши билан ассоциялашган ҳолда кечишини даволаш алгоритмида интеграция қилиш билан миокард реваскуляризация усулларини танланиши асосланган;

ташқи нафас функциясини кислород етказиб бериш индексини ҳисоблаган ҳолда комплекс баҳолаш билан юрак ишемик касаллиги мавжуд аёлларда юрак етишмовчилиги даражасига кардиал дисфункция билан бир қаторда кислород баланси бузилишининг ҳиссаси борлиги аниқланган ва бу ҳолат билан мазкур патологияда анестезиологик тактикани танлашда интегратив ташхислашнинг муҳимлиги исботланган;

юрак ишемик касаллиги билан хасталанган аёлларда реваскуляризация усулини танлашнинг қиёсий клиник-анатомик мезонлари белгиланган, унга кўра, аортокоронар шунтлашнинг чап қоринчани самарали қайта ремоделланиши билан кечиши ва миокарднинг яққол кўп томирли ҳамда кўп даражали жароҳатланишида кўрсатма бўлиши, эндоваскуляр коронар стентлашни эса жароҳатланиш даражаси чекланган ва операция хавфи юқори бўлганда мақбуллиги аниқланган;

юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларда касаллик кечишининг гендер хусусиятлари ва операция хавфини ҳисобга олган ҳолда эндоваскуляр ҳамда хирургик амалиётга қиёсий кўрсатмалар шакллантирилган клиник-демографик, анатомик-функционал параметрлар, SYNTAX score, EuroSCORE II, диабетик статус ва метаболик синдром билан интеграцияланган миокард реваскуляризацияси усулини танлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган ва асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юрак - қон томир касалликларининг касалланиш интенсив кўрсаткичи динамикаси ва юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларнинг Ўзбекистон Республикасида умумий сони уларни хирургик даволашга нисбатан верификацияланган эҳтиёжини ҳисобга олиш учун аниқланган;

аёлларни репродуктив қариш босқичлари ва коронарография натижалари бўйича стратификация қилишни ташхислаш, даволаш ва реваскуляризация усулини танлашни персоналлаштириш учун шу жумладан ўткир коронар ҳолатлар профилактикаси ва юрак етишмовчилигини юракни чиқариш фракцияси сақланган пайт яъни эрта даврда аниқлаш учун қўлланилиши лозимлиги белгиланган;

қандли диабетни аёлларда юрак ишемик касаллиги кечишининг оғирлашишида асосий модификатор сифатида патогенетик роли аниқланган;

юрак ишемик касаллиги билан хасталанган аёлларда реваскуляризацияни режалаштириш ва операциягача танлаш алгоритмларида диабетик статусни баҳолашни интеграция қилиш, хавфни стратификация қилиш, қиёсий ёндашиш зарурлиги аниқланган, юқори SYNTAX score ҳолатларида хирургик реваскуляризацияни танлаш устуворлиги, ҳамда қандли диабет мавжудлигига қараб метаболик бузилишларни комплекс коррекция қилиш муҳимлиги асосланган;

юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларда эндоваскуляр операцияларнинг чап қоринчанинг насос ва диастолик функциясини яхшиланиши билан, ҳамда кўп томирли жароҳатланиш ва коронар артериялар диаметрининг кичиклиги сабабли нотўлиқ реваскуляризация билан боғлиқ бўлган чегераланган қайта ремоделланиши билан кечиши аниқланган;

юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларда ташқи нафас функцияси ва кислород етказиб бериш индекси (DO_2)ни комплекс баҳолаш нафас ва тўқима гипоксиясининг эрта белгиларини, газ алмашинувининг интегратив бузилиш даражасини аниқлаш ҳамда нафас етишмовчилиги ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни ажратиш имконини бериши исботланган;

юрак чап бўлими ремоделланишини динамикада эхокардиографик баҳолаш реваскуляризация усули самарадорлигини акс эттириши, бунда аортокоронар шунтлаш эндоваскуляр коронар стентлашга нисбатан чап қоринча дилатацияси ва гипертрофиясини яққолроқ регрессияси, ҳамда насос ва диастолик функциясининг яхшиланиши билан кечиши кўрсатилган;

аёлнинг ёши, SYNTAX score, EuroSCORE II, метаболик синдром ва сурункали буйрак етишмовчилиги борлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган хавфни стратификация қилиш ва реваскуляризация усулини танлаш алгоритмлари беморларни олиб бориш тактикасини индивидуаллаштириш, тўлиқ реваскуляризацияга эришишни ошириш, асоратлар частотасини камайтириш ҳамда узоқ муддатли клиник натижаларни яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўлланилиши билан асосланган, тадқиқот етарли миқдордаги клиник материал асосида ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган маълумотлар аёлларда юрак ишемик касаллиги кечишининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳамроҳ омилларнинг роли ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштиради: хусусан, метаболик синдром кўп томирли жароҳатланиш частотасининг ошишига олиб келувчи муҳим сабаб эканлиги кўрсатилган, ташқи нафас функцияси кўрсаткичлари ва кислород етказиб бериш индекси билан нафас ва тўқима гипоксияси ривожланиш хавфи ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

изоҳланган, шунингдек, юракнинг қисқариш ва диастолик функциясининг тикланиши ва қайта ремоделланиш даражаси билан акс этувчи реваскуляризация самарадорлигини ишончли натижалари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижалардан юрак ишемик касаллиги билан хасталанган аёлларда даволаш-ташхислаш ёндашувларини такомиллаштириш учун фойдаланиш имконияти, аёлнинг ёши, коронар артерияларнинг жароҳатланиш даражаси, махсус шкалалар кўрсаткичлари ва метаболик бузилишлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда реваскуляризация усулини танлаш мезонларини ишлаб чиқиш, беморларни олиб боришни персоналлаштирилган алгоритмларини, шунингдек ташқи нафас функцияси ва кислород етказиб бериш индексини комплекс баҳолашни амалиётга жорий этиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган аёлларни ташхислаш ва хирургик даволаш стратегияси концептуал аспектлари бўйича олинган натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: юрак - қон томир касалликлари динамикаси сўнгги 3 йил мобайнида Ўзбекистон Республикасида гендер фарқларга боғлиқ ҳолда ўрганилиб, мамлакатнинг турли ҳудудларида аёлларда юрак ишемик касаллиги билан хасталанишнинг ўсиши ёки камайишининг барқарор тенденциялари аниқланган, шунингдек касалланиш динамикасига турли ижтимоий-иқтисодий ва тиббий омилларнинг таъсирини тадқиқ қилиш, соғлиқни сақлашни бошқариш учун мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимлигини исботланганлиги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали (2026 йил 19 майдаги 120-I ва 121-I-сонли буйруқлар) ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг клиник амалиётида (2026 йил 15 майдаги 43 ва 44-сонли буйруқлари асосида) жорий этилган. Натижада гендерга хос хавф омилларини аниқлаш, ҳудудлар кесимида дифференциал мониторинг қилиш, профилактик ва реабилитацион скрининг дастурларини олдиндан аниқ ва мақсадли режалаштиришга эришилган. Ижтимоий самарадорликка бемор аёлларнинг тиббий кўрикка йўналтирилишини мақсадли равишда коррекция қилиш ва тиббий ёрдамдан эртароқ фойдаланиш билан эришилган. Иқтисодий самарадорликка мақсадли йўналтириш орқали ташхислаш ва даволаниш харажатларини камайтириш, тиббий аралашувларга бўлган эҳтиёжни ва беморнинг касалхонада бўлиш давомийлигини қисқартириш ҳамда соғлиқни сақлаш харажатларини камайтириш билан эришилган;

иккинчи илмий янгилик: аёлларда коронарография натижаларига кўра, коронар атеросклероз анатомик индексининг ўсиши, NT-proBNP миқдори бўйича стратификация қилишни ўткир коронар синдром ва юрак етишмовчилиги хавфини барвақт аниқлашини исботланганлиги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали (2026 йил 19 майдаги 120-I ва 121-I-сонли буйруқлар) ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг клиник амалиётида (2026 йил 15 майдаги 43 ва 44-сонли буйруқлари асосида) жорий этилган. Натижада юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларни даволаш натижаларини яхшилаш, тўсатдан юзага

келадиган ўткир коронар синдромлар частотасини камайтириш, юрак етишмовчилигини юракни чиқариш фракцияси сақланган пайт яъни эрта даврда аниқлаш ва даволаш имконига эришилган. Ижтимоий аҳамияти мазкур беморларни хавф даражасига кўра ўз вақтида стратификация қилиш, индивидуал даволаш-тактик ёндашиш имкониятларини кенгайтириш, клиник-инструментал мезонлар ва объектив хавф индекслари асосида реваскуляризация усулини танлашни оптималлаштириш, операция натижаларини прогноз қилишни оширишдан иборат. Иқтисодий самарадорликка оғир асоратлар сабабли юзага келадиган қўшимча ташхислаш, шошилинч даволаш ва стационар тиббий ёрдам харажатларини камайтириш ҳамда эҳтиёжнинг олдини олишга эришилган;

учинчи илмий янгилик: қандли диабетнинг аёлларда юрак ишемик касаллигини анатомик-функционал кўрсаткичларининг ва юрак етишмовчилигининг оғирлашиши, юқори SYNTAX score, кўп томирли жароҳатланиш частотасининг ошиши билан ассоциялашган ҳолда кечишини даволаш алгоритмида интеграция қилиш билан миокард реваскуляризация усулларини танланиши асосланганлиги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали (2026 йил 19 майдаги 120-I ва 121-I-сонли буйруқлар) ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг клиник амалиётида (2026 йил 15 майдаги 43 ва 44-сонли буйруқлари асосида) жорий этилган. Натижада ташхислаш ва хирургик даволашга ёндашишни персонализация қилиш, қандли диабет мавжудлигига қараб метаболик бузилишларни комплекс коррекция қилиш, хавфни стратификация қилиш, асоратлар хавфини камайтиришга эришилган. Ижтимоий аҳамияти бемор аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва меҳнат қобилиятининг тикланишига кўмаклашишдан иборат. Иқтисодий самарадорликка касалликнинг оғир шакллари ва асоратларини эрта аниқлаш ва самарали даволаш ҳисобига узоқ муддатли даволаниш харажатларининг камайиши, ногиронлик ва меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳолатларининг қисқариши билан эришилган;

тўртинчи илмий янгилик: ташқи нафас функциясини кислород етказиб бериш индексини ҳисоблаган ҳолда комплекс баҳолаш билан юрак ишемик касаллиги мавжуд аёлларда юрак етишмовчилиги даражасига кардиал дисфункция билан бир қаторда кислород баланси бузилишининг ҳиссаси борлиги аниқланган ва бу ҳолат билан мазкур патологияда анестезиологик тактикани танлашда интегратив ташхислашнинг муҳимлиги исботланганлиги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали (2026 йил 19 майдаги 120-I ва 121-I-сонли буйруқлар) ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг клиник амалиётида (2026 йил 15 майдаги 43 ва 44-сонли буйруқлари асосида) жорий этилган. Мазкур баҳолаш усулини жорий этиш билан периоперацион даврда газ алмашинувининг яширин, клиник жиҳатдан аҳамиятли бузилишлари ва нафас етишмовчилиги ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни эрта босқичда аниқлаш, шунингдек, аёлларни индивидуал функционал-респиратор захираларини инобатга олган ҳолда анестезиологик тайёргарлик

ҳажми ва тактикасини дифференциал белгилаш, интраоперацион респиратор қўллаб-қувватлаш стратегиясини мақсадли танлаш, сунъий ўпка вентиляциясининг оптимал параметрларини индивидуаллаштиришга эришилган. Ижтимоий самарадорликка операциядан кейинги даврда респиратор асоратларнинг олдини олиш ҳисобига беморларнинг хавфсизлиги ва операциядан кейинги даврда тикланиш сифатининг ошиши билан эришилган. Иқтисодий самарадорликка респиратор асоратлар частотасининг камайиши ҳисобига реанимация ва интенсив терапия бўлимида даволаниш муддатининг қисқариши, қўшимча диагностик ва терапевтик муолажаларга бўлган эҳтиёжнинг камайиши, шунингдек, операциядан кейинги даврда асоратларни даволаш билан боғлиқ бўлган харажатларни оптималлаштириш орқали эришилган;

бешинчи илмий янгилик: юрак ишемик касаллиги билан хасталанган аёлларда реваскуляризация усулини танлашнинг қиёсий клиник-анатомик мезонлари белгиланган, унга кўра, аортокоронар шунтлашнинг чап қоринчани самарали қайта ремоделланиши билан кечиши ва миокарднинг яққол кўп томирли ҳамда кўп даражали жароҳатланишида кўрсатма бўлиши, эндоваскуляр коронар стентлашни эса жароҳатланиш даражаси чекланган ва операция хавфи юқори бўлганда мақбуллигини аниқланганлиги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали (2026 йил 19 майдаги 120-I ва 121-I-сонли буйруқлар) ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг клиник амалиётида (2026 йил 15 майдаги 43 ва 44-сонли буйруқлари асосида) жорий этилган. Натижада юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларнинг 90%ида тўлиқ реваскуляризация имкониятига, асоратлар хавфини, оғир юрак етишмовчилиги частотасини 96,6%дан 10,4%гача камайтириш, миокарднинг яққол ифодаланган қайта ремоделланишига эришилган. Ижтимоий аҳамияти даволаш самарадорлигининг оширилиши натижасида бемор аёлларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши, меҳнат қобилияти тикланишидан иборат. Иқтисодий самарадорликка тўлиқ реваскуляризация ҳисобига такрорий реваскуляризация ва касалхонага ётқизишлар сонининг камайиши, оғир юрак етишмовчилигини даволашга сарфланадиган узоқ муддатли харажатларнинг қисқариши, шунингдек, даволаш самарадорлигининг ошиши ҳисобига тиббий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали эришилган;

олтинчи илмий янгилик: юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларда касаллик кечишининг гендер хусусиятлари ва операция хавфини ҳисобга олган ҳолда эндоваскуляр ҳамда хирургик амалиётга қиёсий кўрсатмалар шакллантирилган клиник-демографик, анатомик-функционал параметрлар, SYNTAX score, EuroSCORE II, диабетик статус ва метаболик синдром билан интеграцияланган миокард реваскуляризацияси усулини танлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган ва асосланганлиги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали (2026 йил 19 майдаги 120-I ва 121-I-сонли буйруқлар) ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг клиник амалиётида (2026 йил 15 майдаги 43 ва 44-сонли буйруқлари асосида) жорий этилган. Натижада юрак-қон томир

касалликлари асоратлар хавфини олдини олиш, беморларнинг операциядан кейинги даврда тезроқ тикланиши ва операциянинг самарали натижаларига эришилган. Ижтимоий аҳамияти периоператив асоратларни камайиши, миокард реваскуляризациясининг яхши ва аъло натижалари улушининг ортиши билан биргаликда аёлларнинг саломатлиги ва ҳаёт сифатини ошиши, уларнинг ижтимоий ва меҳнат фаолиятига қайтишининг тезлашиши ва жамиятга тўлиқ интеграциялашувига ёрдам беришдан иборат. Иқтисодий самарадорликка беморнинг касалхонада бўлиши давомийлигини қисқартириш, тез-тез касалхонага ётқизиш ва тиббий аралашувларга бўлган эҳтиёжни ҳамда даволаниш харажатларини камайтириш билан эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган 22 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шундан 10 таси журнал мақолалари, улардан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи ва тадқиқотлардан иборат бешта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни ҳажми 193 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАСИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилиги, ишончлилиги ҳамда илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, шунингдек иш натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Юрак ишемик касаллиги бўлган аёлларда диагностика ва жарроҳлик даволаш муаммосининг замонавий ҳолати»,** деб номланган биринчи бобида аёлларда юрак ишемик касаллигининг тарқалиши, этиопатогенетик жиҳатлари, патофизиологик механизмлари, хавф туғдирувчи омиллари, репродуктив ҳолатлар, коморбид ҳолатларнинг эндоваскуляр ва хирургик даволашга таъсири, ташхислаш усуллари, замонавий ёндашувлар ҳамда ушбу патологияларни коррекция қилишда хирургик даволаш натижаларининг прогностик жиҳатлари бўйича адабиётлар маълумотлари шарҳи келтирилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу муаммо бўйича ечими топилмаган долзарб вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот усуллари ва клиник материалнинг умумий тавсифи»,** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга жами 668


нафар аёл бемор киритилгани қайд этилган бўлиб, улар икки гуруҳга ажратилган: 379 нафар - эндоваскуляр коронар стентлаш ва 289 нафар - аортокоронар шунтлаш операциялари бажарилган беморлардан иборат. Юрак ишемик касаллигининг клиник кечишида репродуктив омилнинг ролини аниқлаш мақсадида таҳлилга киритилган барча 668 нафар бемор STRAW+10 таснифига мувофиқ, туғруқ ёши ва менопауза ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги тартибда стратификация қилинган: 1-гуруҳ - туғруқ ёшидагилар (≤49 ёш) - 19 нафар аёл (2,8%); 2-гуруҳ – 50-58 ёш (пременопауза ва менопауза даври) - 93 та аёл (14%); 3-гуруҳ – 59-68 ёш (менопаузадан сўнгги давр) - 361 нафар (54%); 4-гуруҳ - ≥69 ёшдагилар (репродуктив қариш даври) - 195 та бемордан (29,2%) ташкил топган.

Тадқиқотга муҳим мезонлар сифатида: коронарография маълумотлари асосида ЮИКни ишончли тасдиқланганлиги (юрак тожсимон артерияларининг магистрал тармоқларида стеноз ≥70% ёки чап коронар артерия ўзагида стеноз ≥50% бўлган); халқаро клиник қўлланмаларга (ESC, AHA/ACC) мувофиқ реваскуляризацияга кўрсатмаларнинг мавжудлиги, ҳамда ёши 18 ёшдан катта бўлган беморлар киритилган. Тадқиқот усуллари клиник, инструментал ва лаборатор ташхислаш усулларини қамраб олган. Энг кўп кузатилган шикоятлар тез чарчаш (94%) ва ҳолсизлик (87,4%) бўлган. Шунингдек, нафас сиқиши (47,4%), тўш ортида ачишиш (44,2%), ҳаво етишмаслик ҳисси (32,8%) ва юрак уриши (35,3%) ҳам юқори частотани ташкил этган. Коморбид ҳолатларни таҳлил қилиш натижасида артериал гипертензия (37%), дислипидемия (33,1%), анамнезида ишемия ҳолатлари (25%), турли даражадаги семириш (21,5%), II типдаги қандли диабет (18%) ҳамда таъсирланган ичак синдроми, гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги ва гастрит (33,4%) каби ошқозон-ичак тизими патологияларининг юқори даражада учраши аниқланган. Текширилган аёлларнинг 33%ида юрак тожсимон артерияларининг уч томирли жароҳатланиш (668тадан 220 тасида) қайд этилган. Икки томирли жароҳатланиш беморларнинг 25%ида (668 нафардан 167 тасида), кўп томирли жароҳатланиш (4-5 та артерия) 22,6%ида (668 тадан 151 нафарида), изоляцияланган бир томирли жароҳатланиш эса атиги 19,4%ида (668 тадан 130 тасида) кузатилган. EuroSCORE II нинг ўртача кўрсаткичи 4,6±0,3ни ташкил этган, бу операция хавфини ўртача даражасига мос келган. SYNTAX score нинг ўртача қиймати 26,8±1,3дан иборат бўлиб, юрак тожсимон артерияларининг жароҳатланишини ангиографик ўрта даражадаги мураккаблигини кўрсатган. Коронар қон айланишининг ўнг типи 558 та (83,5%) ҳолатда, чап типи анча кам - 51 (7,6%) нафар, мувозанатлашган типи эса 59 та (8,9%) аёлда аниқланган.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон Республикасида юрак-қон томир касалликларининг эпидемиологияси»,** деб номланган учинчи бобида 2022-2023йилларда Ўзбекистон Республикасида юрак-қон томир касалликлари ва юрак ишемик касаллигининг аёллар ўртасида тарқалиш динамикасини аниқлашни баҳолаш натижалари тасвирланган.

Юрак-қон томир касалликларини аёллар ўртасида ушбу даврда аниқлашда учта асосий тенденция яққол кузатилган. Биринчиси - юрак

ишемик касаллигини аниқланганлик кўрсаткичининг ошиши (+22%) бўлиб, умумий касалланиш кўрсаткичининг асосий қисмини ташкил этган. Бу ҳолат COVID-19ни ўтказган аёлларда сақланиб қолган тизимли яллиғланиш оқибатида аввал латент кечган ЮИКнинг манифестацияси ёки декомпенсациясини натижаси бўлиши мумкинлигини кўрсатган (1-расм).



1-расм. Аёлларда юрак-қон томир патологияларининг алоҳида турларини ўсиш ва камайиш суръатлари

Иккинчиси - асоратли ҳолатларнинг камайганлиги: юрак аневризмаси 100%га, ишемик кардиомиопатия эса 67%га камайган. Ушбу ҳолат ташхисларни қайд этишда кодлаш турларининг ўзгариши ёки пандемиянинг ўткир даврида беморлар ўлимини кўп бўлганлигини билдирган. Учинчиси - «бошқа» турдаги юрак патологияларини кескин ошиши (+120%) бўлиб, касалликларни рўйхатга олиш тизимида ташхисларни қайта тақсимланиши ёки COVID-19дан кейин кардиал синдромлар ривожланган бўлиши мумкинлигидан дарак берган.

Аёллар ўртасида 3 йил давомида рўйхатга олинган ЮИКнинг умумий сони 133325тадан 181998тага ошган бўлиб, бу 48673та ҳолатни ёки 36,5%ни ташкил этди (1-жадвал). Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, ЮИКни энг юқори кўрсаткичи Тошкент вилоятида (33571тадан 53481 тага, +59,3%) ва Наманган вилоятида (8595тадан 18942 тага, +120,4%) қайд этилган. Ушбу ҳудудлар умумий касалланиш кўрсаткичи ошишининг катта қисмини шакллантирган. Шу билан бирга, айрим вилоятларда касалликнинг ўсиш динамикаси камроқ ёки барқарор бўлмаган. Хусусан, Фарғона вилоятида 2023 йилда камайиш кузатилган бўлсада (8396 ҳолат), 2024 йилда яна 16745 тага ошганлиги қайд этилган, бу 2022 йилга нисбатан 10,9%га кўпайганлигини билдиради. Сурхондарё вилоятида ЮИКни қайд этилишини ўртача ошганлиги - 11754тадан 12564тага (+6,9%), Навоий ва Бухоро вилоятларида эса ўзгаришлар минимал даражада аниқланган.


1-жадвал

Юрак ишемик касаллигини аёллар орасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича учраши (2022–2024 йй.)

Ҳудудлар	2022		2023		2024	
	n	%	n	%	n	%
Андижон	7 038	5,3%	5 338	3,3%	8 421	4,6%
Жиззах	4 316	3,2%	8 427	5,2%	7 952	4,4%
Сирдарё	3 200	2,4%	3 645	2,2%	3 956	2,2%
Самарқанд	12 103	9,1%	12 649	7,8%	13 240	7,3%
Қашқадарё	14 564	10,9%	20 156	12,4%	19 850	10,9%
Сурхондарё	11 754	8,8%	11 419	7,0%	12 564	6,9%
Навоий	3 269	2,5%	3 064	1,9%	3 684	2,0%
Бухоро	5 228	3,9%	5 713	3,5%	5 896	3,2%
Наманган	8 595	6,4%	21 048	12,9%	18 942	10,4%
Фарғона	18 701	14,0%	8 396	5,2%	16 745	9,2%
Хоразм	2 129	1,6%	5 542	3,4%	6 781	3,7%
Тошкент	33 571	25,2%	48 396	29,7%	53 481	29,4%
Қорақолпоғистон Республикаси	8 857	6,6%	9 007	5,5%	10 486	5,8%
Ўзбекистон Республикаси	133 325	100%	162 800	100%	181 998	100%

ЮИКни аёллар ўртасида кузатилишини аниқлашда энг катта кўрсаткич 2024 йилда Тошкент, Наманган ва Самарқанд вилоятлари ҳиссасига тўғри келган бўлиб, ушбу ҳудудларда жами кўрсаткичнинг 47%дан ортиғи қайд этилган.

ЮИКни аниқлаш динамикасини 2022-2023 йиллар бўйича таҳлил қилинганда Республика миқёсида умумий касалланиш кўрсаткичи 22%ни ташкил этган (2-расм), бироқ ҳудудлар бўйича тарқалиши бир хил бўлмаган. Энг кўп ЮИК кўрсаткичи Хоразм (+160%), Наманган (+145%) ва Жиззах (+95%) вилоятларида қайд этилган. Шу билан бирга, Фарғона вилоятида кескин пасайиш (-55%), Андижон (-24%) ва Навоий (-6%) вилоятларида ҳам манфий динамика кузатилган. 2023-2024 йиллар давомида эса Республика бўйича касалланиш кўрсаткичи 12%ни ташкил этган. ЮИК энг кўп Фарғона (+99%), Хоразм вилоятларида (+22%) ва Қорақалпоғистон Республикасида (+16%) қайд этилган. Шунингдек, Наманган вилоятида касалликнинг пасайиши (-10%), Жиззах (-6%) ва Қашқадарё вилоятида (-2%) ҳам манфий динамика кузатилган. Олдинги йилларга қараганда, касалланиш кўрсаткичининг ўсиш структураси нисбатан мувозанатлашган бўлса-да, бироқ ҳудудий фарқнинг ҳар хиллиги сақланиб қолган (2-расм).



2-расм. 2022–2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аёлларда юрак ишемик касаллигининг динамикаси

Аниқланган ўзгаришлар ҳудудий контрастлик яққоллигини ёки скрининг тадбирлари ўтказилганини кўрсатади, бу ҳолат қисман нафақат эпидемиологик омиллар, балки ташхислаш имкониятлари ва рўйхатга олиш тизимидаги фарқлардан дарак беради.

Диссертациянинг **«Юрак ишемик касаллигининг аёлларни клиник таснифланган турли гуруҳларида клиник кечиш хусусиятлари»,** деб номланган тўртинчи бобида ЮИКнинг аёлларда репродуктив статусга боғлиқ ҳолда клиник кечиши, кўп омилли таҳлил, қандли диабетнинг таъсири, ташқи нафас функцияси кўрсаткичлари ва кислород етказиб бериш индексини баҳолаш, ҳамда миокард реваскуляризациясининг натижалари тақдим этилган. Тадқиқотга миокарднинг бирламчи реваскуляризацияси бажарилган 566 нафар аёлни текшириш натижалари киритилган. Юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларни ёшга кўра тақсимланган гуруҳларини базавий тавсифининг таҳлили шуни кўрсатдики, туғруқ ёшидагиларни (≤49 ёш) ўртача ёши 45,1±5,2 ни, менопауза давридаги (50-58 ёш) гуруҳда 55,9±2,1 ни, менопаузадан сўнгги даврдаги (59-68 ёш) гуруҳда 63,9±2,8ни ва репродуктив қариш давридаги (≥69 ёш) аёлларда эса 72,6±3,6 ни ташкил этган бўлиб, бу белгиланган стратификацияга мос келган ($p<0,05$). Тана вазни индексининг ўртача кўрсаткичи 30,7–32,1 кг/м² оралиғида бўлган ва гуруҳлар орасидаги фарқ ишончли даражада бўлмаган ($p>0,05$).

Коморбид ҳолатлар баҳоланганда ёшга боғлиқ равишда яққол фарқлар аниқланган. Дислипидемия ёш ўтиши билан 5,3% (туғруқ ёшидагилар)дан

→22,6%→33,7%→35,5%га ≥69 ёш гуруҳида ошган (p<0,05), бу липид алмашинуви бузилишларининг ёш катталашиши билан кучайиб боришини кўрсатган. II–III даражали семириш частотаси 8,7%дан 15%гача ўзгарган бўлиб, гуруҳлар орасида статистик аҳамиятли фарқ кузатилмаган (p>0,05). Артериал гипертензия ҳам ёшга боғлиқ равишда ўсиш тенденциясини намоён этган: ≤49 ёшда бўлган аёлларда 15,8%дан ≥69 ёшдан катталар гуруҳидаги беморларда 37,8%гача ошган (p>0,05). Қандли диабетнинг II типи кўпроқ 50-58 ёш гуруҳида аниқланган (18,3%), ≤49 ёшда бўлган гуруҳда эса бироз паст бўлган (15,8%), бу гуруҳлар орасида ишончли даражадаги фарқларни шакллантирмаган, қатъий чизиқли текис тренд кузатилмаган (p>0,05). Анамнестик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, бошдан кечирилган миокард инфаркти частотаси туғруқ ёшидагиларда 5,3% дан репродуктив қариш гуруҳидаги аёлларда 39% гача ошган (p<0,05), инсульт эса ≤49 ёшда бўлган аёлларда умуман кузатилмаган, 50-58 ёш гуруҳидагиларда 1,1% ни, ≥69 ёшдан катта гуруҳда эса 12,2%ни ташкил этган (p<0,05). Ошқозон-ичак тизими патологиялари туғруқ ёшидаги аёлларда 26,3% ва ≥69 ёшдан катталар гуруҳида 23,8% ни ташкил этган бўлса, менопауза давридаги аёлларда 49,5%гача, менопаузадан сўнгги даврдаги гуруҳда эса 31,6% гача ошган (p<0,05). Анемия туғруқ ёшидаги ≤49 ёшда бўлган беморларда 47,4%, ≥69 ёшдан катталарда – 34,3%, менопауза ва менопаузадан сўнгги даврдаги гуруҳда эса 39,8% ва 29% қайд этилган бўлиб, гуруҳлар орасида ёшга боғлиқ статистик ишончли даражада фарқлар кузатилмаган (p>0,05). Худди шунингдек, сурункали обструктив ўпка касаллиги тарқалиши ≤49 ёшда бўлган беморларда 5,2%→6,4%→6,7%→11,6% 69 ёшдан катталарда мавжуд бўлган ва статистик аҳамиятга эга бўлмаган (p>0,05). Бироқ уйқу артериялари стенозини ёш ўтиши билан анча кўпайганлиги аниқланган: ≤49 ёшда бўлган аёлларда умуман кузатилмаган, менопауза ва менопаузадан сўнгги даврдаги гуруҳда 3,2-4,6%, ҳамда ≥69 ёшдан катта гуруҳда 15,1% га ошган (p<0,05).

NT-proBNP миқдори менопаузадан сўнгги даврдаги гуруҳда (2988,9±54,9пг/мл) ва ≥69 ёш гуруҳидагиларда (3143,3±45,1пг/мл) 50-58 ёш гуруҳи (2669,1±111,3пг/мл) ва туғруқ ёшидаги аёллар (2917,3±80,9 пг/мл) билан солиштирганда ошиш тенденциясини намоён этган (p<0,05).

ЮИК билан хасталанган аёлларда эхокардиографик маълумотларнинг қиёсий таҳлили ёшга боғлиқ яққол фарқларни кўрсатди (2-жадвал). Якуний диастолик ҳажм (ЯДҲ) ≤49 ёш ва ≥69 ёш гуруҳларида минимал бўлган (112,5±4,8 мл ва 111,2±1,5 мл), 50–58 ва 59-68 ёш гуруҳларида эса бироз юқорироқ бўлган (126,8±2,9 ва 125,5±2,1 мл) (p<0,05). Якуний систолик ҳажм (ЯСҲ) ЯДҲдан фарқли равишда менопауза ва менопаузадан сўнгги даврдаги гуруҳларда ошган: 50-58 ёшли аёлларда 61,8±2,4 мл ва 59–68 ёшлиларда 60,4±1,9 мл бўлган, ≤49 ёшлиларда 47,9±3,5 мл ва ≥69 ёшлиларда 48,9±1,2 млни ташкил этган (p<0,05). Шу билан бирга, чап қоринчанинг (ЧҚ) қонни чиқариш фракцияси (ҚЧФ) ҳам ўзгарган: у 50-58 ёш гуруҳи (56,9±0,6%) ва 59-68 ёш гуруҳи (53,9±0,6%) ва ≤49 ёшлилар (58,1±1,4%) билан солиштирганда ≥69 ёшли гуруҳда (48,5±0,7%) пасайган. Миокард гипокинези ≤49 ёшли аёлларнинг 10,5%ида, 50-58 ёшдаги аёлларнинг 20,4% ида, 59-68


ёшдаги аёлларнинг 25,5% ида ва ≥69 ёш гуруҳидаги аёлларнинг 33,1%ида қайд этилган. Гипокинез улуши ёш ўтиши билан қонуний ўлчовга мувофиқ равишда ошиб борган (p<0,05). Акинез ≤49 ёшда бўлган аёлларнинг 5,3% ида, 50-58 ёш гуруҳида 25,8%, 59-68 ёш гуруҳида 22,3% ва ≥69 ёш гуруҳида 30,2% ҳолатда аниқланган.

2-жадвал

ЮИК билан оғриган аёлларнинг турли ёш гуруҳларида ЭхоКГ натижалари

Кўрсаткич-лар	≤49 ёшдагилар (n=19)	50-58 ёшдагилар (n=93)	59-68 ёшдагилар (n=282)	≥69 ёшдагилар (n=172)	*p*
ЯДҲ, мл	112,5±4,8	126,8±2,9	125,5±2,1	111,2±1,5	<0,05
ЯСҲ, мл	47,9±3,5	61,8±2,4	60,4±1,9	48,9±1,2	<0,05
ЧҚ ҚЧФ, %	58,1±1,4	56,9±0,6	53,9±0,6	48,5±0,7	<0,05
Гипокинез	2 (10,5%)	19 (20,4%)	72 (25,5%)	57 (33,1%)	<0,05
Акинез	1 (5,3%)	24 (25,8%)	63 (22,3%)	52 (30,2%)	>0,05

Коронарография маълумотларини қиёсий таҳлили жароҳатланган коронар артерияларнинг сонини ва кўп томирли жароҳатланиш частотасининг ёшга боғлиқ равишда яққол фарқланишини кўрсатди (3-расм). Юрак тож артерияларининг бир томирли изоляцияланган жароҳатланиши кўпроқ 49 ёшгача бўлган аёлларда кузатилган (47,4%), каттароқ ёш гуруҳларида эса унинг частотаси анча паст: 50-58 ёшда 23,7%, 59-68 ёшда 20,6% ва ≥69 ёшли аёлларда 23,8% (p>0,05) бўлган.



3-расм. ЮИК билан оғриган аёлларнинг турли ёш гуруҳларида ўтказилган коронарография натижалари

Икки томирли жароҳатланиши туғруқ ёшидаги аёлларнинг (≤49 ёш) 15,8%ида, 50-58 ёшдагиларнинг 25,8%ида, 59-68 ёшдагиларнинг 27,3%ида ва репродуктив қариш давридаги гуруҳнинг (≥69 ёш) 36,7%ида қайд этилган (p>0,05). Уч томирли жароҳатланиш ≤49 ёшли аёлларнинг 15,8%ида кузатилган бўлса, 50-58 ёш гуруҳида 19,3%, менопаузададан сўнгги даврдаги гуруҳда 34% ва ≥69 ёшлиларда 14,5% ни ташкил этган. Хуллас, уч томирли

жароҳатланиш частотаси ёш катталашган сари қонуний ўлчовга мувофиқ равишда ошиб борган (p<0,05). Кўп томирли жароҳатланиш (≥4 томир) ≤49 ёшли аёлларнинг 21% ида, 59-68 ёшли гуруҳнинг 18,1%ида аниқланган бўлса, қолган гуруҳларда унинг частотаси юқорироқ бўлган (50–58 ёшда 31,2% ва ≥69 ёшли аёлларда 25%), бу ёш ўтиши билан коронар артериялар (КА) ўзанининг атеросклеротик жароҳатланиш даражасини ишончли равишда оғирлашиб борганлигини яъни кучайганлигини тасдиқлаган (p<0,05).

Юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёллардаги коронар атеросклерознинг анатомик оғирлиги, клиник фенотиплар ва ҳаёт сифати каби интеграл кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили ёшга боғлиқ равишда яққол фарқлар мавжудлигини юзага чиқарган (3-жадвал).

3-жадвал

Турли ёш гуруҳларидаги аёлларда ЮИКни оғирлик даражасининг интеграл кўрсаткичлари таҳлили


Аёллар гуруҳлари	SYNTAX, Me (IQR)	INOCA, %	SAQ, M±SD	EQ5D, M±SD
≤49 ёш (туғруқ ёшидагилар)	7,5 (5,2; 9,4)	33,3%	83,4±7,6	0,84±0,06
50-58 ёш (менопауза даври)	18,1 (13,4; 20,8)	12,0%	79,6±7,7	0,79±0,06
59-68 ёш (менопауза-дан сўнгги давр)	23,8 (17,5; 28,5)	8,4%	73,9±8,0	0,74±0,06
≥69 ёш (репродуктив қариш даври)	29,2 (24,3; 34,6)	8,5%	69,4±7,5	0,70±0,05

SYNTAX score кўрсаткичи ёш гуруҳлари бўйича прогрессив равишда ошиб борган: ≤49 ёшли аёлларда медиана 7,5 (5,2; 9,4) баллни ташкил этган бўлса, 50–58 ёшда 18,1 (13,4; 20,8) баллгача, менопаузадан сўнгги даврда (59–68 ёш) 23,8 (17,5; 28,5) баллгача ошган ва 69 ёшдан катта аёлларда энг юқори кўрсаткич - 29,2 (24,3; 34,6) баллга ошган. Гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончли даражада бўлган (p<0,001, Краскел–Уоллис тести). INOCA (коронар артериянинг обструктив жароҳатланишисиз ривожланган ишемия) аксинча, асосан кичик ёш гуруҳида қайд этилган (6 ҳолат - 31,5%), кейинчалик менопаузадан сўнгги даврдаги 50-58 ёшли аёлларда 12,9% (12 ҳолат), 59-68 ёшлиларда 8,5% (24 нафар) ва ≥69 ёшдаги гуруҳда 8,1% (14 та) гача камайган. Ёш ўтган сари ишемиянинг функционал шакллари улушининг камайиши статистик жиҳатдан аҳамият касб этган (p<0,05). Seattle Angina Questionnaire (SAQ) сўровномаси бўйича ҳаёт сифатини акс эттирувчи SAQ Summary score кўрсаткичи ёш ортиши билан изчил равишда ёмонлашган: ≤49 ёшли аёлларда 83,4±7,6, 50–58 ёшда 79,6±7,7, 59–68 ёшда 73,9±8,0 ва ≥69 ёш гуруҳида 69,4±7,5 ни ташкил этган (p<0,001, ANOVA). EQ-5D индекси (беморнинг умумий соғлиқ ҳолати ва ҳаёт сифатини бешта асосий жиҳати: ҳаракатчанлик, ўзини-ўзи парвариш қила олиши, кундалик фаолияти, оғриқ/ноқулайлик, хавотир/депрессия бўйича баҳоловчи Европа EQ-5D сўровномаси) ҳам ёш ўтиши билан камайиб борди: кичик ёш гуруҳида (≤49) 0,84±0,06 дан кейинги ёш гуруҳларида ёшга

мос равишда 0,79±0,06, 0,74±0,06 ва 0,70±0,05 гача (p<0,001, ANOVA) пасайган.

Қандли диабетнинг (ҚД) ЮИКни клиник кечишига таъсирини баҳолаш мақсадида ЮИК билан оғриган аёллар гуруҳи (қандли диабет мавжуд эмас, n=222) ҳамда қандли диабетнинг II-типи бор ва ЮИК билан хасталанган бемор аёллар гуруҳи (n=120) қиёсий таҳлил қилинган. Ҳар икки гуруҳда беморларнинг ўртача ёши сезиларли фарқ қилмаган: ЮИК+IIтип ҚД гуруҳида 64,4±0,5 ёшни ҚДсиз ЮИК гуруҳида эса 64,9±0,5 ёшни ташкил этган. Тана вазни индекси ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ касб этмаган: ЮИК+IIтип ҚД гуруҳида 31,4±0,3 кг/м² ва ҚДсиз ЮИК гуруҳида 30,8±0,3 кг/м²дан (фарқ 0,7; 95% ИМ–0,3–1,6; p>0,05) иборат бўлган. Эхокардиография натижалари таҳлил қилинганда чап қоринчанинг қонни чиқариш фракцияси IIтип ҚДли беморларда ишончли даражада паст яъни 51,4±0,6% бўлган ҚДсиз гуруҳда 55,4±0,6% бўлган (фарқ –2,0; 95% ИМ -3,7–0,3; p<0,05). Якуний диастолик ҳажм (ЯДҲ) ҳам IIтип ҚДли гуруҳда юқорироқ бўлган: 123,8±1,7 мл, ҚДсиз беморларда эса 119,4±2,1 мл (фарқ 4,4 мл; 95% ИМ –1,0–9,8; p<0,05). Якуний систолик ҳажм (ЯСҲ) IIтип ҚДли аёлларда 58,9±1,6 мл, ҚДсиз беморларда эса 55,7±1,8 млни ташкил этган (95% ИМ-1,6-8,1; p<0,05). NT-proBNP миқдори ҳам IIтип ҚДли беморларда юқорироқ бўлган: 3046,5±61,2 pg/ml га қарши 2946,6±50,2 pg/ml, фарқ 100,0 pg/ml ни ташкил этган (95% ИМ-55,2-255,2; p<0,05). Ҳамроҳ касалликлардан артериал гипертензия ҳам IIтип ҚДли аёлларда ишончли даражада кўпроқ 120 нафардан 41 тасида (34,1%), ҚДсиз гуруҳда эса 222 нафардан 48 та ҳолатда (21,6%) кузатилган (ОР=1,07; 95% ИМ 1,04–1,11; p<0,05).

Юрак тож артерияларининг изоляцияланган бир томирли жароҳатланиши ҚДсиз аёлларнинг 28,9%ида кузатилган бўлса, IIтип ҚДли беморларда ушбу кўрсаткич атиги 16,7% ни ташкил этган (p<0,05) (4-расм).



4-расм. II тип қандли диабет мавжудлигига қараб ЮИК билан оғриган аёлларда коронарография натижалари


Икки томирли жароҳатланиш 27,4% ва 24,2% ҳолатларда қайд этилган (p>0,05). Уч томирли ва ундан ортиқ томирларнинг жароҳатланиши IIтип ҚДли гуруҳда юқорироқ - 59,2% бўлган, ҚДсиз беморларда эса 43,7%ни ташкил этган (p<0,05), бу ҳамроҳ қандли диабетнинг IIтипи билан касалланган ЮИК мавжуд аёлларда коронар артериялар ўзанининг анатомик зарарланиши оғирроқ кечишини тасдиқлаган (4-расм).

ЮИК билан касалланган аёлларда ташқи нафас олиш функцияси (ТНФ) кўрсаткичлари ва кислород етказиб бериш индексини баҳолаш мақсадида ТНФнинг асосий кўрсаткичлари (спирометрия, пневмотахография), газ алмашинувига таъсир қилувчи кўрсаткичлар аниқланди, кислород етказиб бериш индекси (IDO_2) Адольф Фик формуласи бўйича (IDO_2 (мл/м²) = 1,34 (Гюфнер константаси) × Hb (гемоглобин, г/л) × SaO_2 (артериал қоннинг кислород билан тўйиниши, 0,0%) × ЮИ (юрак индекси, л/мин/м²)) ҳисобланди, шунингдек, кўрсаткичлар гуруҳлар (ёш бўйича, қандли диабет мавжудлиги) кесимида ўзаро таққосланди.

Бемор аёлларда ТНФ кўрсаткичлари ўпканинг тириклик сиғими сақланганлиги билан тавсифланди: (FVC (жадаллашган тириклик сиғими) - 3,0±0,6 л, FEV1 (жадал нафас чиқаришнинг биринчи сониясида чиқарилган ҳаво ҳажми) - 2,3±0,5 л. FEV1/FVC нисбати ҳам меъёрий даражада - 76,6±16,6% бўлиб, бу яққол обструктив бузилишлар мавжуд эмаслигини кўрсатади. Бироқ, аёлларнинг маълум қисмида (48 нафарида) нафас чиқаришнинг пик тезлиги (PEF - 342,7±91,5 л/дақ) ва жадаллашган нафас чиқаришнинг 25–75% оралиғидаги ўртача нафас чиқариш тезлиги (FEF25–75 - 2,5±0,8 л/сония) пасайганлиги қайд этилган. Бу кичик калибрли нафас йўлларининг патологик жараёнга жалб этилиши ва ташқи нафас олиш тизими захираларининг камайганлигидан далолат беради.

Кислород етказиб бериш индекси ёш ўтган сари 603±18,6 дан 377,5±19,1 мл/м² га (p<0,05) пасайган, бу юракнинг насос функциясини пасайишини ҳисобига тўқималар перфузиясининг чекланганлигини акс эттиради.

Диссертациянинг **«Юрак ишемик касаллиги билан оғриган аёлларда хирургик ва эндоваскуляр реваскуляризациянинг** натижалари» деб номланган бешинчи бобида бемор аёлларда миокард реваскуляризациясининг икки асосий усули - эндоваскуляр коронар стентлаш (n=304) ва аортокоронар шунтлаш (n=262) операцияларининг натижалари таҳлил қилинган. Таҳлил миокард реваскуляризацияси натижаларини баҳолаш, асоратлар, эхокардиография кўрсаткичлари, юракнинг чап бўлимини ремоделланиш частотаси, ҳамда беморларнинг операциядан кейинги эрта даврларда функционал ҳолатини ўрганиш асосида амалга оширилган. Эндоваскуляр стентлаш усули билан реваскуляризация қилинган томирлар сони ўрганилганда, аксарият бемор аёлларда битта томир стент имплантацияси (304 дан 110 таси; 36,2%) билан чекланилган (5-расм).



5-расм. ЮИК билан оғриган аёлларда эндоваскуляр реваскуляризация усули билан даволанган томирлар сони

Аёлларнинг анчагина қисмида икки (304 ҳолатдан 97 таси; 32%) ва уч томирга стент (304 ҳолатдан 81 таси; 26,6%) қўйиш зарурати юзага келган, 16 нафар беморда (5,2%) эса биринчи реваскуляризациядан сўнг 1 ҳафтадан 3 ойгача бўлган интервал билан тўртта стент ўрнатилган. Стентларнинг ўртача сони 2,0±0,05 ни ташкил этган бўлиб, бу асосан коронар артерия ўзанининг жароҳатланиш характери чекланганлигини ва мураккаб кўп ўчоқли (томирли) амалиётлар нисбатан кам учрашини кўрсатган. Тўлиқ реваскуляризацияга қарийб 90% ҳолатларда эришилган бўлиб, бу эндоваскуляр коронар стентлаш (ЭВКС) амалиётининг келажакда самарадорлигини изоҳлайди.

Аортокоронар шунтлаш (АКШ) операцияси бажарилган гуруҳда кўп ҳолларда беморларга (262 бемордан 108 тасида; 41,2%) учтадан шунт қўйилган, иккита шунт 34,4% ҳолатда (262 нафардан 90 таси), тўрт-бешта шунт 16,8% ҳолатда (262 кишидан 44 таси) ва битта шунт эса нисбатан кам - фақат 20 нафар аёлда (7,6% ҳолат) қўйилган (6-расм).




6-расм. АКШ операциясида қўйилган шунтлар сони

АКШ операцияси билан миокарднинг тўлиқ реваскуляризациясига ўртача 90,5±1,2% ҳолатда эришилган. Операция вақтининг ўртача давомийлиги 245,7±4,5 дақиқани (120 - 480 дақиқа) ташкил этган. Сунъий қон айланиш вақтининг давомийлиги ўртача 112,9±3,1 дақиқа, аорта окклюзияси вақти эса ўртача 71,9±2,4 дақиқага етган. Интраоперацион қон йўқотиш ҳажми ўртача 240,2±5,0 млни (100–500 мл), операциядан кейинги даврда эса 415,9±12,3 млни (200–900 мл) ташкил этган. Сунъий ўпка вентиляциясининг давомийлиги ўртача 15,3±1,2 соатдан (4,3 - 124,4 соат) иборат бўлган. Беморларнинг реанимация ва интенсив терапия бўлимида бўлган вақти 17-168 соат атрофида бўлиб, ўртача 24,8±3,3 соатни ташкил этган.

Эндоваскуляр коронар стентлашдан кейин чап қоринчанинг якуний ҳажмларини сезиларли кичрайиши кузатилган. Якуний диастолик ҳажм 118,7±2,5 млдан 110,0±2,2 млга (−7,3%), якуний систолик ҳажм эса 54,6±1,9 млдан 48,0±1,7млга (-12,1%) камайган. Ушбу ўзгаришлар юрак бўшлиғидаги зўриқишни камайганлигини акс эттирган бўлсада, регресс даражаси АКШ бажарилган ҳолатга нисбатан камроқ ифодаланган.

Чап қоринчанинг якуний ҳажмлари камайиши фонида насос функциясининг аста-секин ошиши қайд этилган. Чап қоринчанинг қонни чиқариш фракцияси (ҚЧФ) 51,1±0,7%дан 60,0±0,6%га (+8,9%) ошган, зарб ҳажми эса нисбатан барқарор сақланиб, 64,0±0,7 млдан 65,0±0,8 млга ўзгарган (7-расм).



7-расм. Эндоваскуляр коронар стентлашдан олдин ва кейин чап қоринчани қонни чиқариш фракциясининг динамикаси

Аортокоронар шунтлашдан кейин аёлларда чап қоринчанинг якуний ҳажмларини барқарор кичрайиши қайд этилган. Операциядан кейинги эрта даврларни ўзидаёқ якуний диастолик ҳажм 125,3±2,7 млдан 118,3±2,5 млга, якуний систолик ҳажм эса 60,2±2,2 млдан 55,6±2,0 млга камайган. Мазкур ўзгариш динамикаси тадқиқотнинг барча муддатларида сақланган: 3-ойга келиб якуний диастолик ҳажм - 108,0 млни, якуний систолик ҳажм эса 46,2

млни; 6-ойда мувофиқ равишда 104,5 мл ва 44,0 млни ташкил этган, йил охирига келиб якуний диастолик ҳажм - 100,8 млга, якуний систолик ҳажм эса 41,5 млга пасайган. Якуний ҳажмларнинг умумий кичрайиши диастолик ҳажм бўйича тахминан 20% ва систолик ҳажм бўйича 30% дан ортиқни ташкил этган бўлиб, бу юракнинг яққол қайта ремоделланганидан далолат беради. Ижобий ўзгаришлар систолик функциянинг яхшиланиши билан кузатилган, зарб ҳажми 65,2±0,8 млдан 75,0±0,9 млга (+15%) ошган. Чап қоринчанинг қонни чиқариш фракцияси эса дастлабки 51,7±0,6%дан тадқиқотнинг 6 ойида 64,8±0,6%га (+12,5%) кўтарилган. АКШдан кейин уч ой ўтибоқ, чап қоринчанинг қонни чиқариш фракцияси 60%дан ошган бўлиб, бу миокард насос функциясининг тикланганлигини кўрсатади (8-расм).



8-расм. АКШдан олдин ва кейин чап қоринчани қонни чиқариш фракциясининг динамикаси

АКШ бажарилган аёлларда Nt-proBNP нинг дастлабки ўртача миқдори 3020,5±30,9 pg/ml бўлган бўлса, операциядан кейин ишончли равишда 1771,8±40,3 pg/ml гача пасайган, ЭВКС гуруҳидаги беморларда эса дастлабки 2896±27,5 pg/mlдан стентлашдан сўнг 2300±20,2 pg/mlга камайган. Операциядан кейин Nt-proBNP миқдорининг пасайиши гемодинамик зўриқиш даражасининг камайиши ва миокард функционал ҳолатининг яхшиланганини кўрсатади.


Аортокоронар шунтлаш операциясидан кейин аёлларда асоратлардан энг кўп юрак ритми бузилишлари қайд этилган (262 бемордан 21 таси; 8%). Қон кетишлар нисбатан кам учраган (262 нафардан 5 таси; 2%), медиастинит - 4 ҳолатда (1,5%), ўпка асоратлари - 3 нафар беморда (1,1%), буйракнинг ўткир шикастланиши - 2 кишида (0,76%) ва ўткир юрак етишмовчилиги - 1 ҳолатда (0,4%) кузатилган. Қайта, такроран госпитализация 30 кун ичида 1,1% ҳолатларда талаб қилинган. Операциядан кейинги даврда миокард инфаркти аёлларнинг 1,1% ида (262 тадан 3 таси), бош мия қон айланишининг ўткир бузилиш (БМҚАЎБ) ва шунт тромбози эса 0,4% ҳолатда (262 бемордан 1 таси)

қайд этилган. Операциядан кейинги леталлик 2,3%ни (6 нафар) ташкил этган (9-расм). Clavien–Dindo классификацияси бўйича асоратлар индекси ўртача 2,1±0,09 ни (1 дан 5 гача диапазонда) ташкил этган бўлиб, асосан енгил ва ўртача оғирликдаги асоратлар устунлик қилган.




9-расм. Операциядан кейинги асоратлар частотаси

Клиник (NYHA, хавф омиллари), инструментал (КТ-КАГ, стресс-ЭхоКГ, МРТ, чап қоринчанинг қонни чиқариш фракцияси (ЧҚ ҚЧФ), лаборатор (HbA1c, сурункали буйрак касаллиги босқичи) ҳамда анатомик (жароҳатланган томирлар сони, стеноз даражаси, SYNTAX score, EuroSCORE II) параметрларни интеграциясини ҳисобга олган ҳолда алгоритм ишлаб чиқилган (10 ва 11-расмлар).



10-расм. ЮИК билан оғриган аёлларда миокард реваскуляризацияси усулини танлаш алгоритми



11-расм. ЮИК, қандли диабет ва сурункали буйрак етишмовчилиги мавжуд аёлларда миокард реваскуляризацияси усулини танлаш алгоритми

ХУЛОСА

1. Юрак-қон томир касалликларини Ўзбекистон Республикасида аёллар орасида аниқланишининг 2022 йилда 671987 ҳолатдан 2023 йилга 741452 ҳолатга ошганлиги (+10,3%) қайд этилган, шунингдек юрак ишемик касаллигининг (ЮИК) 2022-2024 йилларда аниқланиши 133325 ҳолатдан 181998тага кўпайган (+36,5%). ЮИКнинг аёллар орасида энг кўп учраши Хоразм (+160%), Наманган (+145%) ва Жиззах (+95%) вилоятларида (2022–2023) кузатилган, 2023–2024 йилларда эса Фарғона (+99%), Андижон (+58%), Хоразм (+22%) ва Навоий (+20%) вилоятларида қайд этилган. Ёш бўйича 2022-2024йиллар: ≤49 ёшда – 1434 ҳолатдан 945 тага камайиши (–34,1%); 50–58 ёш – 1998 нафардан 2171 нафарга ошиши (+8,7%); 59-68 ёш +219 тага (+4,9%); ≥69 ёш - 11717 ҳолатдан 13548 ҳолатга кўпайиши (+15,6%) аниқланган.

2. ЮИКнинг аёлларда клиник кечиши айнан ёшга боғлиқ яққол репродуктив хусусиятга эгадир. Аёл ёшининг туғиш давридан менопаузадан сўнгги даврга ва кекса ёшга ўтиш мобайнида коморбидлик (артериал гипертензия - 15,8% дан 38,6% га, дислипидемия – 5,3% дан 35,5% га, ўткир миокард инфаркти - 5,3% дан 39% га, бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши - 0% дан 12,2% га; $p<0,05$) ортиб боради. ЭхоКГ натижалари юракнинг қонни чиқариш фракцияси пасайишини (48,5±9,2%; $p<0,05$) ва гипо-/акинезиянинг ортишини (33,1% ва 30,2%; $p<0,05$) кўрсатди. Коронароангиография маълумотларига кўра ёшларда (≤49 ёш) юрак тож артерияларининг битта томирли жароҳатланиши устун (47,4%), 50 ёшдан кейин эса кўп томирли шакллари (≥25–31,2%; $p<0,05$) етакчи бўлади, SYNTAX score 7,5 дан 29,2 баллгача ошади ($p<0,05$), INOCA 33,3% дан 8,5% га камаяди ($p<0,05$). Ҳаёт сифати (SAQ 83,4 дан 69,4 га; EQ-5D 0,84 дан 0,70 га; $p<0,05$) ёмонлашади.

3. Кўп омилли таҳлил аёллар ёшининг алоҳида ўрни борлигини тасдиқлади: ёш ўтган сари ҳар 10 йилда қайта госпитализация хавфи ошади (ОШ=1,44; $p<0,05$), юракнинг кўп томирли жароҳатланиши ўткир миокард инфаркти ривожланишининг мустақил предиктори ҳисобланади (ОШ=1,60; $p<0,05$), NT-proBNP ёшга боғлиқ диастолик дисфункция маркери сифатида тасдиқланди (ОШ=1,34-2,00; $p<0,05$), реваскуляризация усулини танлаш юрак томирлари жароҳатланишини SYNTAX score бўйича оғирлик даражасига боғлиқ бўлиб, ҳар бир балл АКШ эҳтимоллигини 19,5%га оширади (ОШ=1,195; $p<0,05$).

4. Қандли диабетнинг аёлларда мавжудлиги ЮИКнинг оғир кечиши, чап қоринчанинг қонни қисқариб чиқариш фракциясини камайиши ($p<0,05$), якуний диастолик ҳажмининг ортиши ($p<0,05$), NT-proBNP ошиши ($p<0,05$), артериал гипертензия ва анемия частотасининг юқорилиги ($p<0,05$), кўп томирли жароҳатланишни устунлиги ($p<0,05$) ва SYNTAX score медианасининг ортиши (18,6 дан 24,8 баллгача; $p<0,05$), ҳаёт сифатининг пасайиши (SAQ 77,5 дан 71,3 гача; $p<0,05$) билан ассоциацияланган.

5. Ташқи нафас функцияси ва кислород етказиб бериш индекси таҳлили тўқима перфузиясининг чекланганлигини кўрсатди. DO_2 индекси аёлларда ёш

катталашган сари 603±18,6 дан 377,5±19,1 мл/м² га (p<0,05) камайди, ташқи нафас функциясининг асосий кўрсаткичлари сақланган (FVC - 3,0±0,6 л, FEV1 – 2,3±0,5 л, FEV1/FVC - 76,6±16,6%), аммо маълум беморларда PEF ва FEF25–75 пасайиши кузатилиб, майда нафас йўллари зарарланиши ва ташқи нафас захиралари камайишини англатди.

6. Солиштирма таҳлил АКШ операциясига танланган аёлларнинг дастлабки клиник ҳолати оғирроқ эканини ва хирургик хавф юқори бўлганда, ҳамда коронар артерияларнинг жароҳатланиши чегараланган турида эндоваскуляр коронар стентлаш (ЭВКС) афзаллигини тасдиқлади. ЭВКС кўпроқ ≥69 ёшдаги (35,8% vs 24%; p<0,05), АКШ эса 59–68 ёшдаги аёлларда (55,4% vs 45,1%; p<0,05) бажарилган. АКШ гуруҳи анамнезида инфарктдан кейинги кардиосклероз, анемия ва инсульт (p<0,05) кўпроқ кузатилган. АКШ кўп томирли жароҳатланишда, чап КА ўзаги стенози, олд қоринчалараро тармоқ, айланма тармоқ, тўмтоқ чекка тармоқ, ўнг КА ва диагонал тармоқ стенозида (p<0,05), шунингдек ЭВКС юракнинг орқа соҳаси артериялари (орқа қоринчалараро тармоқ, орқа ён тармоқ (p<0,05)) стенозида асосий даволаш усули ҳисобланган.

7. Эндоваскуляр реваскуляризация натижаларига кўра стентнинг 1 томирли 36,2%, 2 томир 32%, 3 томир 26,6%, 4 томирга имплантацияси 5,2% ҳолатларда бажарилган, ўртача миқдори 2,0±0,05ни ташкил этган; тўлиқ реваскуляризацияга эришиш имкони 89,6% беморда рўй берган.

8. Эндоваскуляр коронар стентлашдан кейин аёлларда юрак чап бўлимини анатомо-функционал ҳолати кўрсаткичларининг динамикаси ўртача, статистик жиҳатдан аҳамиятли қайта ремоделланишини кўрсатди: якуний диастолик ҳажм 118,7±2,5 дан 110,0±2,2 мл га (–7,3%; p<0,05), чап бўлмача диаметри 39,8±0,5 дан 37,0±0,5 ммга камайди, чап қоринчанинг қонни қисқариб чиқариш фракцияси 51,1±0,7% дан 60,0±0,6% га (+8,9%) ошди, ўпка артериясида систолик босим 32,9±1,0 дан 28,0±0,9 мм сим. уст. га тушди (–14,9%; p<0,05). Миокард массаси индекси 4,9%га (с 100,9±2,0 до 96,0±1,9 г/м²) камайган. Чап қоринчанинг диастолик функцияси ҳам яхшиланган: E/A нисбати с 0,94±0,05 дан 1,20±0,05га кўтарилган, E/e′ 12,7±0,6 дан 9,3±0,5га пасайган, декелерацион вақт (DT)- 198,8 дан 184 мсга, релаксацияни изоволюмик вақти (IVRT)-104,7 до 94 мс (p<0,05)га қисқарган.

9. АКШдан кейинги асоратлар: аритмия - 8%, қон кетиш - 2%, ўпка асоратлари - 1,1%, ўткир буйрак шикастланиши - 0,76%, ўткир юрак етишмовчилиги - 0,4%, миокард инфаркти - 1,1%, инсульт - 1,1%, шунт тромбози - 0,4%, леталлик - 2,3% ни ташкил этди.

10. АКШдан кейин чап қоринчанинг қайта ремоделланиши ва функциясининг тикланиши яққол аниқланди: якуний диастолик ҳажм 125,3±2,7 дан 100,8±2,1 млга (−20%) кичрайди, қонни қисқариб чиқариш фракцияси 51,7±0,6% дан 66,2±0,6%га (+12,5%) ошди. Чизиқли ва индексли ўлчамлар яхшиланди: якуний диастолик ўлчам 52,8±1,2 дан 43,0±0,8 ммга (−18,6%), якуний систолик ўлчам 36,4±1,1 дан 27,0±0,8 ммга (−25,8%) кичрайди, якуний диастолик ҳажм индекси - 69,7±1,4 дан 56,0±1,0 мл/м² (−19,7%)га; миокард массаси индекси - 104,6±2,1 дан 87,0±1,7 г/м² (−16,8%)га,

чап бўлмача диаметри – 41,5±0,6 дан 34,0±0,5 ммга (−18,1%); ўпка артериясида систолик босим – 34,7±1,1 дан 23,5±0,8 мм рт. ст.га (−32,3%); сферик индекс - 0,70±0,02 дан 0,62±0,02 га камайди ($p<0,05$). Диастолик функция E/Анинг 0,89±0,04 дан 1,45±0,05 га кўтарилиши, E/e′ 13,2±0,7 дан 7,5±0,4 га, DT – 204 дан 175 мсга ва IVRT – 109 дан 85 мсга кичрайиши ҳисобига меъёрлашди ($p<0,05$).

11. Йиғма таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ЮИК билан оғриган аёлларда даволашни олиб бориш протоколларини оптималлаштириш тўлиқ миокард реваскуляризациясига эришишни юқори даражада: АКШдан сўнг 90,5%, ЭВКСдан сўнг эса 89,6%га амалга оширилиши, юрак етишмовчилигини оғир ҳолатларини (NYHA бўйича III–IV функционал синфлари 96,6%дан 10,4%га ($\chi^2=52,4$; $p<0,05$)) ва оғирлик даражасини (Nt-proBNP миқдори 3020,5±30,9 пг/млдан 521,8±10,3 пг/млга ($p<0,05$)) статистик жиҳатдан ишончли камайиши билан кечди.

12. Тадқиқот натижаларига кўра, ЮИК билан хасталанган аёлларда миокард реваскуляризациясига кўрсатмалар хавфни стратификациялаш алгоритмлари асосида белгиланиши аниқланди. Юрак тож артерияларини стентлаш асосан 49 ёшдан кичик, коронар артерияларнинг жароҳатланиши чегараланган (1–2 томирли жароҳатланиш, SYNTAX score≤22, EuroSCORE II ≤8%), ҳамда 69 ёшдан катта ва хирургик хавф юқори бўлган (EuroSCORE II >8%) аёлларда қўлланилади. АКШ эса 50–68 ёшдаги беморларда уч томирли жароҳатланиш ёки чап коронар артерия ўзагининг стенози ≥50% бўлганда (SYNTAX score>22, EuroSCORE II≤8%) тавсия этилади.

13. ЮИК билан оғриган аёлларда коронар артериялар жароҳатланиш даражаси, SYNTAX score ва EuroSCORE II кўрсаткичлари, ёши, қандли диабет ва сурункали буйрак етишмовчилиги мавжудлиги инобатга олинган даволашни олиб бориш ва миокард реваскуляризацияси усулини танлаш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Алгоритмлар даволаш тактикасини персоналлаштириш, тўлиқ реваскуляризацияга эришиш имконини ошириш, асоратлар частотасини камайтириш ҳамда узоқ муддатли клиник натижаларни яхшилашга қаратилган.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ DSc.06/2025.27.12.Tib.08.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ

ГУ «РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА»

АБДУЛЛАЕВА МОХИМА АБДУЛЛАЕВНА

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ДИАГНОСТИКИ И СТРАТЕГИИ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ЖЕНЩИН С ИШЕМИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ СЕРДЦА

14.00.34 – Сердечно - сосудистая хирургия
14.00.33 - Общественное здоровье. Менеджмент в здравоохранении

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2026

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Академии наук Республики Узбекистана № B2025.1.DSc/Tib1272.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научные консультанты:	**Исмаилов Сайдимурад Ибрагимович** доктор медицинских наук, профессор
	Зуфаров Миржамол Мирумарович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Алиев Шерзод Махмудович** доктор медицинских наук, профессор
	Умаров Бахтиёржон Ятгарович доктор медицинских наук
	Искандарова Шахноза Тулкуновна доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	**ФГБУ «Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневского» Министерства здравоохранения Российской Федерации**

Защита диссертации состоится **«_____» _____** 2026 г. в _____ часов на заседании Разового Научного совета при Научном Совете DSc.06/2025.27.12.Tib.08.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова. Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: info@rscs.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за № 223). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2026 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «_____» _____ 2026 года).

Ф.Г. Назиров
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

С.А. Бабаджанов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

О.Д. Эшонходжаев
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последнее время в международных организациях здравоохранения всё больше интерес проявляется к ишемической болезни сердца женщин как одну из актуальных проблем современной медицины. Ишемическая болезнь сердца (ИБС) является основной причиной смертности у женщин во всем мире, на которую приходится 35% от общего числа смертей. Показатели заболеваемости, распространенности, смертности и сводных показателей оценки качества жизни, таких как DALY (disability-adjusted life years) среди женщин с ИБС были самыми высокими в Узбекистане, Украине, Таджикистане и островов Океании, а самые низкие в Японии, Республике Корея и Франции [12]. Распространённость ИБС среди женщин зависит от множества причин и включает в себя влияние таких факторов риска, как возраст, раса, генетика, этнические особенности, культура, социальная принадлежность, образ жизни и воздействие окружающей среды, которые могут негативно сказываться на течении заболевания. Женщины, независимо от возраста и наличия или отсутствия коморбидности испытывают больше осложнений после эндоваскулярной и хирургической вмешательств, чем мужчины. Сложность процесса состоит в том, что в организме женщины в связи с перестройкой гормонального статуса и состояния половой сферы в разные периоды её жизни, в сочетании с применением гормональных контрацептивов или заместительной гормональной терапии существенно повышается риск сердечно-сосудистых осложнений или развития прогрессирования сердечной недостаточности.

В мировой практике особое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на совершенствование клинико-диагностических основ ишемической болезни сердца у женщин и методов её лечения. В этом отношении к числу наиболее актуальных направлений исследований относятся рандомизированные многоцентровые проспективные исследования, посвящённые изучению коморбидности, особенностей течения заболевания при многососудистом поражении коронарных артерий у женщин с ИБС, а также исследования, направленные на оптимизацию стратегий реваскуляризации миокарда и разработку показаний к проведению эндоваскулярных вмешательств или хирургических операций с целью минимизации операционного риска. Кроме того, актуальными являются эпидемиологические исследования, включающие популяционный скрининг для определения уровня заболеваемости, выявления расовых и этнических различий.

[12] Roth GA et al.; GBD-NHLBI-JACC Global Burden of Cardiovascular Diseases Writing Group. Global Burden of Cardiovascular Diseases and Risk Factors, 1990-2019: Update From the GBD 2019 Study. J Am Coll Cardiol. 2020 Dec 22;76(25):2982-3021. doi: 10.1016/j.jacc.2020.11.010. Khandelwal A.. et al. Managing Ischemic Heart Disease in Women: Role of a Women's Heart Center. Curr Atheroscler Rep 23, 56 (2021). https://doi.org/10.1007/s11883-021-00956-x. Vogel B. et al The Lancet women and cardiovascular disease Commission: reducing the global burden by 2030. Lancet. 2021;397(10292):2385-2438. doi: 10.1016/S0140-6736(21)00684-X.

Современные аспекты развития отечественной кардиохирургии связаны с реализацией многочисленных мер, направленных на расширение возможностей высокотехнологичных хирургических вмешательств и внедрение современных принципов лечения, что призвано улучшить результаты оказания медицинской помощи пациентам кардиологического и кардиохирургического профиля, в том числе при возникновении связанных с ними неотложных состояний. «В стратегию развития республики Узбекистан на 2030 год предусматривающей дополнительные меры по последовательному продолжению и выведению на новый этап реформ в рамках приоритетных направлений страны», поставлена цель увеличить среднюю продолжительность жизни населения и снизить преждевременную смертность (в возрасте 30–69 лет) от сердечно-сосудистых заболеваний[13]. Реализация данных задач, в том числе, путем оптимизации лечебно-диагностической тактики, а также внедрение и доктрины хирургического лечения ИБС у женщин, является одним из остро актуальных направлений кардиологии, сердечно-сосудистой хирургии и медицины в целом, за счет высокой медико-социальной значимости данной проблемы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» за №УП-5590 от 17 декабря 2018 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О мерах по трансформации хирургической службы, повышению качества и расширению масштаба хирургических операций в регионах» за №ПП-5254 от 4 октября 2021 года, «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» за №ПП-4891 от 12 ноября 2020 года, «О мерах по профилактике и повышению качества лечения сердечно-сосудистых заболеваний» за № ПП-103 от 26 января 2022 года и «О совершенствовании мер профилактики острых сердечно–сосудистых и цереброваскулярных заболеваний» за № ПП-20 от 20 января 2026 года, а также других нормативно - правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.

Научные исследования направленные на улучшение качества медицинской помощи женщинам с ишемической болезнью сердца, проводятся во многих ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, а также в международных кардиологических и кардиохирургических обществах

[13] Указ Президента РУз от 16.02.2026г. № УП-21 «О дополнительных мерах по последовательному продолжению и выведению на новый этап реформ в рамках приоритетных направлений развития страны до 2030 года». Сборник законодательных актов. Указ Президента РУз от 11.09.2023г. № УП-158 «О стратегии «Узбекистан-2030» Сборник законодательных актов.

и организациях, в том числе в таких центрах США, как Cedars-Sinai Medical Center (Smidt Heart Institute, Barbra Streisand Women's Heart Center, Лос-Анджелес), University of Florida (Гейнсвилл), University of Pittsburgh, Allegheny General Hospital (Питтсбург), а также Weill Cornell Medicine, NewYork-Presbyterian Hospital, Icahn School of Medicine at Mount Sinai и Northwestern University Feinberg School of Medicine, где изучаются клинические, коронарно-микроваскулярные аспекты и аспекты реваскуляризации ишемической болезни сердца у женщин. В частности, в рамках, поддержанных NHLBI исследований Women's Ischemia Syndrome Evaluation (WISE) и WISE-CVD в центрах Cedars-Sinai Medical Center, University of Florida и University of Pittsburgh выполнены фундаментальные и клинические исследования по оценке коронарных микрососудов и эндотелиальной функции у женщин при отсутствии обструктивной болезни коронарных артерий. В Европе данной проблематикой занимаются Европейская ассоциация кардиоторакальных хирургов (EACTS), Европейское общество кардиологов (ESC), Европейская ассоциация чрескожных коронарных интервенций (EAPCI), Общество сосудистой хирургии (SVS), Общество торакальных хирургов (STS) и другие. В настоящее время по ишемической болезни сердца определены чёткие критерии и рекомендации (Appropriate Use Criteria for Coronary Revascularization in Patients With Stable Ischemic Heart Disease), разработанные в 2017 году ACC/AHA/SCAI и признанные и утверждённые рабочей группой Американской ассоциации кардиологов, Американской ассоциацией торакальной хирургии (AATS), Американской ассоциацией сердца (AHA), Американским обществом эхокардиографии (ASE), Американским обществом ядерной кардиологии (ASNC), Обществом сердечно-сосудистой ангиографии и интервенций (SCAI), Обществом сердечно-сосудистой компьютерной томографии (SCCT), а также Обществом торакальных хирургов (STS) [14].

В исследовании ROMA: Women (Randomized Comparison of the Clinical Outcome of Single vs Multiple Arterial Grafts: Women), посвящённом проблемам хирургического лечения ишемической болезни сердца у женщин, а именно определению оптимальных стратегий коронарного шунтирования, при участии таких международных клинических центров, как Careggi University Hospital, European Hospital, Università Cattolica del Sacro Cuore, Maastricht University Medical Centre, Leiden University Medical Center, Erasmus Medical Center, в рандомизированном порядке оценивается влияние одного артериального шунта по сравнению с множественными артериальными шунтами на клинические исходы и качество жизни у женщин. В

